

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№4X1531130402

2022 yil 24 yanvar

1. Loyihaning turi: Xo'jalik shartnoma
2. Loyihaning yo'nalishi/nomi: Neft mahsulotlarini yetkazib berish to'g'risida
3. Loyihaning muallifi va kiritilgan sana haqida ma'lumot: Shartnoma loyihasi Taxiatosh tumani "Taxiatosh neft bazasi" MCHJ tomonidan ishlab chiqilib Taxiatosh tumani Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoa salomatligi bo'limiga oferta sifatida kiritilgan va bo'lim markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 20.01.2022 yili kiritildi.
4. Loyiha bo'yicha taklif va izohlar:

Shartnoma loyihasi markaz tomonidan huquqiy ekspertizadan o'tkazildi va quydagicha izoh beriladi:

shartnoma loyihasiga ko'ra yetkazib beruvchi sifatida ishtirok etuvchi "Taxiatosh neft bazasi" MCHJ Taxiatosh tumani Irrigatsiya bo'limi istemolchiga shartnoma asosida haq evaziga neft mahsuloti ya'ni benzin yoqilg'i moyini yetkazib berishni o'z zimmasiga oladi va istemolchi esa o'z navbatida yetkazib beriladigan benzin yoqilg'isi uchun shartnomaning 2.1 bandida belgilangan summani oldindan 100% to'lashni o'z zimmasiga oladi;

shartnomaning 1.2 bandidagi spetsifikatsiyaga ko'ra "Taxiatosh neft bazasi" MCHJ 0.140 tonna miqdorida AI-80 toifali benzin yoqilg'isini istemolchining ichki ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda yetkazib berishni va istemolchi esa spetsifikatsiyaga ko'ra birja narxlaridan shakllangan bir tonnasi 10,732,614 so'mni tashkil etuvchi AI-80 toifali benzin yoqilg'isini 0.140 tonna miqdorida buyurtmaga va mazkur shartnomaga asos ja'mi 1,502,565,96 so'm shartnoma summasini to'lashni o'z zimmasiga oladi.

shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining mazkur shartnomalarga ta'luqli normalariga muvofiqligi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yilgi 670-I-son "Xo'jalik yurutuvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunining 10 moddasida belgilab qo'yilgan - shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning

majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyini va boshqa muhim shartlarni o'ziga qamrab olgan. Shartnoma loyihasiga ilova sifatida biriktirilgan "Taxiatosh neft bazasi" MCHJ Ustavi, litsenziyasi va davlat ro'yxatidan o'tganligi to'g'risidagi guvohnomasi tegishli tartibda ko'zdan kechirildi;

qo'shimcha ma'lumot sifatida Taxiatosh tumani Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoa salomatligi bo'limiga eslatib o'tamizki, shartnoma predmeti bo'lmish benzin yoqilg'isini qabul qilib olish va omborhonalarga joylashtirishda O'zbekiston Respublikasida tasdiqlangan yong'in havfsizligi va sanitariya normalariga qat'iy amal qilishingiz lozim.

Xulosa

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, unga tegishli o'zgartirishlar kiritilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq deb topildi.

Taxiatosh tumani
Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti



A.Kdirbaev

24 январь 2022 йил

Тахياتош тумани

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Тахياتош нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи жамият директори П.А.Бабаназаров, бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Тахياتош тумани Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар Б.Узақбаева иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар ўзаро келишилган ҳолда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг кўйидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдор	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
						I	II	III	IV
Автобензин	АИ80	тонна	10732614,00	0,140	1502565,96	0,140	0,0	0,0	0,0
Жами:				0,140	1502565,96	0,140	0,0	0,0	0,0

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 15% КҚС ҳисобланган ҳолда **1 502 565,96** (бир миллион беш юз икки минг беш юз олти миш беш) сўм 96 тийинни ташкил қилади.

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида шаклланади ва нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

Дизель ёқилғисидан ташқари (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади. «Етказиб берувчи» нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг нархи белгилаган тартибда ўзгарган тақдирда янги нархлар қўлланилади ва ушбу янги нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фонз олдиндан тўловларни оширади.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсул автотранспортида дизель ёқилғисини (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) белгиланган тартибда алоҳида (нефть маҳсулотларини тошиш хизмати) шартнома асосида, дизель ёқилғисидан ташқари барча нефть маҳсулотларини «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсул автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи»томонидан барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсул транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги мезърий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъминланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа мезърий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт махсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омориди ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудиди расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосиди вакили имзолайди ва нефт махсулотларини қабул қилиб олади. Эғалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омориди ёки АЁКШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб бериши қафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт махсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт махсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт махсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўлади.

6.2. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт махсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт махсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт махсулоти қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефт махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни ёнғин бўлмайдиган қуч (фавқултда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинги бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва қелишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музоқара йўли билан ҳал этилади. Қелишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий қучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган қундан қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«Тахиятош нефт базаси» МЧЖ

Манзили: ҚР Тахиятош тумани

Қорақолпоғистоннинг 50 йиллиги қучаси 5 уй

х/р: 2260 4000 4042 6871 2701,

Банк: ЎзСаноатқурилишбанк Тошкент ш.

Яшнобод филиали

ИНН: 204 592 009, МФО: 00432,

тел: (361) 224 97 78 факс: (361) 572 12 64,

Директор: _____ П.А.Бабаназаров

Ички сотиш бўлими

Ҳуқуқшунос



«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Тахиятош туман СЭТ х тасб
Халқлар қулими 19
Тел: 61 572-51-66
Тахиятош туман Маъмурият бошқаруви
23402000300100001010
МФӨ: 00014 ИИН: 201122919
Центр банка Тошкент ш.
р/с 10002286035228707410054001
ИИН 207261171 ОКОН: 91531

